



## **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI**

2023 yil « 30 » avgust

№ПК–289

### **Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш ва соҳа вакиллари фаолиятини қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида**

Халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъатини кенг тарғиб этиш, унинг ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарини янги босқичда равнақ топтириш ҳамда халқаро нуфузини ошириш йўлида меҳнат фаолиятини олиб бораётган ходимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

**1. 2023 йил 1 октябрдан бошлаб**, Ўзбек миллий мақом санъати маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ва унинг ҳудудий бўлимлари бошқарув, илмий ва ижодий ходимларининг янгиланган ойлик иш ҳақи миқдорлари 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** уч кун муддатда Марказнинг **Ўзбек миллий мақом санъатини ривожлантириш бўйича алоҳида шахсий ҳазна ҳисобварағини** (кейинги ўринларда – Ҳисобварақ) очсин.

Қуйидагилар Ҳисобварақ маблағларини **шакллантириш манбалари** этиб белгилансин:

Марказнинг концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш ва маданий тадбирларни ўтказишдан олинadиган даромадлари;

халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорларнинг кредитлари, грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

Ҳисобварақнинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

**3. Белгилансинки**, Ҳисобварақ маблағлари **қуйидаги йўналишларга сарфланади**:

маҳаллий ва хорижий гастроль сафарларини ташкил этиш;

оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда мақом ва бастакорлар асарларини тарғиб этиш;

либослар, мусиқа чолғулари ва овоз кучайтиргич ускуналарни харид қилиш;

Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари моддий-техника базасини ривожлантириш;

Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш;

мақом санъатини ривожлантиришга қаратилган бошқа тадбирларни молиялаштириш.

**4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири (А.Н. Арипов) бир ҳафта муддатда** Ҳисобварақни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида **100 миллиард сўм** маблағнинг молиявий манбаларини аниқлаб, тижорат банкларининг депозитларига жойлаштирилишини таъминласин.

Белгилансинки:

Ҳисобварақ маблағлари Марказнинг бош директори томонидан бошқарилади;

мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар Ҳисобвараққа йўналтирилади.

**5.** Марказ ходимлари фаолиятининг қуйидаги йўналишларида эришилган натижалари асосида Ҳисобварақ маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг **бир баравари миқдоригача устамалар** белгилаш тартиби жорий этилсин:

республика ҳудудларида ва хорижий давлатларда гастроль концерт-томоша тадбирларида қатнашиш;

мумтоз мусиқа йўналишида мақом намуналарига хос асарларни яратиш ва уларни нотага олиш;

мақом ва бастакорлар томонидан басталанган асарларни такомиллаштириш;

оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали соф ва мукамал ижродаги мақомларни тарғиб этиш;

мумтоз мусиқа меросига оид илмий мақолалар чоп этиш, изланишлар олиб бориш, китоблар ва тўпламлар яратиш;

мақом ва бастакорлар томонидан басталанган асарларнинг замонавий оҳангдаги караокеларини яратиш;

“устоз-шогирд” анъаналари давом эттириш;

мақом санъатини ривожлантиришга қаратилган бошқа йўналишлар.

Маданият вазирлиги **бир ой муддатда** Марказ бошқарув, илмий ҳамда ижодий ходимлари фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари рўйхати ва уларнинг ижросини баҳолаш тартибини тасдиқласин.

#### 6. Қуйидагилар:

2023–2024 йилларда Ўзбек миллий мақом санъати маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари мақом ансамблларининг маҳаллий гастроль сафарларини ташкил этиш режаси 2-иловага мувофиқ;

2023–2024 йилларда Ўзбек миллий мақом санъати маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари мақом ансамблларининг корхона ва ташкилотларга гастроль сафарларини ташкил этиш режаси 3-иловага мувофиқ;

2023–2025 йилларда Ўзбек миллий мақом санъати маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари мақом ансамблларининг хорижий гастроль сафарларини ташкил этиш режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари:

ушбу қарорга 2–4-иловалар билан тасдиқланган гастроль сафарларини ташкил этиш режаларида назарда тутилган тадбирларни юқори бадий савияда ўтказиш учун шахсан масъул этиб белгилансин;

бошқа ҳудудларга ёки хорижий гастроль сафарларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг **50 фоизи тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан** молиялаштирилишини таъминласин.

8. Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари:

ушбу қарорга 2–4-иловалар билан тасдиқланган гастроль сафарларини ташкил этиш режаларида назарда тутилган тадбирларни ўтказиш жойи, вақти, иштирок этадиган ижодкорлар ҳақида оммавий ахборот воситалари ва ахборот тарқатишнинг бошқа манбалари орқали, шу жумладан тадбир ўтказиладиган ҳудудлар аҳолисини олдиндан хабардор қилиш тизимини йўлга қўйсин;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш ишлари алоҳида ишлаб чиқилган медиа-режа асосида мунтазам ташкил этилишини таъминласин.

**9.** Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сон қарори 4-бандининг олтинчи хатбошиси “Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда унинг Нукус филиалида” сўзларидан кейин “, Юнус Ражабий номидаги Ўзбекистон миллий мусиқа санъати академиясида” сўзлари билан тўлдирилсин.

**10.** Мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ қўшимча харажатлар 2023 йилда Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин ҳамда 2024 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилсин.

**11.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маданият вазири О.А. Назарбеков белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш.Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

**Ўзбек миллий мақом санъати маркази бошқарув, илмий ва ижодий  
ходимларининг ойлик иш ҳақи миқдорлари**

<b>Т/р</b>	<b>Бўлим ва лавозим номи</b>	<b>Ойлик иш ҳақи миқдори (меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдorigа нисбатан)</b>
1	Бош директор	9 баравари
2	Бош директор ўринбосари	7 баравари
3	Бош администратор	5 баравари
4	Бош ҳисобчи	6 баравари
5	Кадрлар бўйича бош мутахассис	5 баравари
6	Халқаро алоқаларни ривожлантириш бўлими бошлиғи	5 баравари
7	Юрисконсульт	6 баравари
8	Хўжалик бўлими мудир	5 баравари
9	АКТ ва матбуот ходими	5 баравари
<b>Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли</b>		
10	Бадий раҳбар	10 баравари
11	Муסיқа раҳбари	8 баравари
12	Хормейстер	7 баравари
13	Олий тоифали артист-мақомчи	7 баравари
14	Биринчи тоифали артист-мақомчи	7 баравари
15	Иккинчи тоифали артист-мақомчи	6 баравари
16	Тоифасиз артист-мақомчи	6 баравари
17	Олий тоифали артист-созанда	7 баравари
18	Биринчи тоифали артист-созанда	7 баравари
19	Иккинчи тоифали артист-созанда	6 баравари
20	Тоифасиз артист-созанда	6 баравари
<b>"Устоз-шогирд" мактаби бўлими</b>		
21	Бўлим бошлиғи	7 баравари
22	Етакчи илмий ходим	6 баравари
23	Катта илмий ходим	5 баравари
24	Кичик илмий ходим	5 баравари
<b>Чолғуларнинг акустик хусусиятларини ўрганиш бўлими</b>		
25	Бўлим бошлиғи	6 баравари
26	Бош мутахассис	6 баравари
<b>Мақом санъати тарихий экспозицияси бўлими</b>		
27	Бўлим бошлиғи	6 баравари
28	Бош мутахассис	6 баравари
<b>Мақом санъатини илмий ривожлантириш бўлими</b>		
29	Бўлим бошлиғи	6 баравари
30	Катта илмий ходим	5 баравари
31	Кичик илмий ходим	5 баравари

**Ўзбек миллий мақом санъати марказининг ҳудудий бўлимлари бошқарув,  
илмий ва ижодий ходимларининг ойлик иш ҳақи миқдорлари**

<b>Т/р</b>	<b>Бўлим ва лавозим номи</b>	<b>Ойлик иш ҳақи миқдори (меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан)</b>
1	Бадий раҳбар	6 баравари
2	Бош администратор	4 баравари
3	Олий тоифали артист-мақомчи	5,5 баравари
4	Биринчи тоифали артист-мақомчи	4,5 баравари
5	Иккинчи тоифали артист-мақомчи	4 баравари
6	Тоифасиз артист-мақомчи	3,5 баравари
7	Олий тоифали артист-созанда	5,5 баравари
8	Биринчи тоифали артист-созанда	4,5 баравари
9	Иккинчи тоифали артист-созанда	4 баравари
10	Тоифасиз артист-созанда	3,5 баравари

**2023–2024 йилларда Ўзбек миллий мақом санъати маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари мақом ансамблларининг  
маҳаллий гастроль сафарларини ташкил этиш**

**РЕЖАСИ**

Т/р	Ижодий жамоалар	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент шаҳри
1.	Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли	2024 йил октябрь		2023 йил ноябрь	2023 йил декабрь		2024 йил февраль		2024 йил май		2024 йил июль		2024 йил сентябрь		2024 йил июнь
2.	Қорақалпоғистон Республикаси		2024 йил октябрь		2024 йил май			2024 йил октябрь			2024 йил май		2024 йил ноябрь	2024 йил апрель	
3.	Андижон вилояти	2024 йил апрель		2024 йил сентябрь		2024 йил апрель				2024 йил апрель		2024 йил май		2024 йил апрель	2024 йил май
4.	Бухоро вилояти		2024 йил июнь			2024 йил июль		2024 йил июнь	2024 йил апрель				2024 йил июль		2023 йил декабрь
5.	Жиззах вилояти	2024 йил февраль		2024 йил июль			2024 йил апрель			2024 йил май		2024 йил июнь		2024 йил март	
6.	Қашқадарё вилояти		2024 йил май		2023 йил ноябрь			2024 йил май		2024 йил сентябрь	2024 йил апрель		2024 йил май		2024 йил апрель
7.	Навоий вилояти	2024 йил сентябрь		2023 йил декабрь		2024 йил февраль			2023 йил ноябрь			2024 йил январь		2024 йил май	
8.	Наманган вилояти	2024 йил июль			2024 йил январь		2024 йил февраль		2024 йил март		2024 йил июнь				2024 йил сентябрь
9.	Самарқанд вилояти		2024 йил апрель	2023 йил октябрь		2024 йил январь				2024 йил февраль		2024 йил апрель	2024 йил март		
10.	Сурхондарё вилояти	2024 йил май			2024 йил апрель		2023 йил декабрь		2024 йил январь		2024 йил февраль				2024 йил март
11.	Сирдарё вилояти		2023 йил ноябрь			2024 йил май		2023 йил декабрь		2024 йил январь		2024 йил март	2024 йил апрель		
12.	Тошкент вилояти	2024 йил июнь		2024 йил июль			2024 йил март		2023 йил декабрь		2024 йил сентябрь			2023 йил ноябрь	
13.	Фарғона вилояти		2024 йил март		2024 йил февраль			2024 йил март		2023 йил ноябрь		2023 йил декабрь			2024 йил июль
14.	Хоразм вилояти		2024 йил сентябрь			2024 йил апрель		2024 йил сентябрь		2024 йил март			2024 йил октябрь		2024 йил август

**Изоҳлар:**

*Маданият вазирлигига заруратга кўра ушбу режа-жадвалда кўрсатилган ҳудудлар ва муддатларга ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади.*

*Режа-жадвалга асосан гастроль сафарларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджет, меценатлик кўмаги, ҳомийлик хайриялари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.*

**2023–2024 йилларда Ўзбек миллий мақом санъати маркази  
ва унинг ҳудудий бўлимлари мақом ансамблларининг  
корхона ва ташкилотларга гастроль сафарларини ташкил этиш  
РЕЖАСИ**

Т/р	Гастроль сафарлари ташкил этиладиган корхона ва ташкилотлар	Муддати
1.	“Навоийазот” АЖ	2023 йил октябрь–ноябрь
2.	“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ	
3.	“Навоийуран” ДК	
4.	“Ўзбеккўмир” АЖ	
5.	“Ўзметкомбинат” АЖ	2023 йил ноябрь–декабрь
6.	“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ	
7.	“Ўзавтосаноат” АЖ	
8.	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	
9.	АТ “Алоқабанк”	2024 йил январь–февраль
10.	“Асакабанк” АЖ	
11.	“Uzbekistan airways” АЖ	
12.	“Ўзбекистон почтаси” АЖ	
13.	“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ	
14.	“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ	2024 йил март–апрель
15.	“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ	
16.	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ	
17.	“Ўзбектелеком” АЖ	
18.	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ	2024 йил май–июнь
19.	“Ўзтрансгаз” АЖ	
20.	“Туронбанк” АТБ	
21.	“Ўзкимёсаноат” АЖ	
22.	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ	
23.	АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”	2024 йил июль–август
24.	“Ҳудудгазтаъминот” АЖ	
25.	“Микрокредитбанк” АТБ	
26.	“Иссиқлик электр станциялари” АЖ	2024 йил сентябрь–октябрь
27.	АТ “Халқ банки”	
28.	“Агробанк” АТБ	
29.	“UzGasTrade” АЖ	
30.	“Uzbekistan Airports” АЖ	

31.	“Ўзбекнефтгаз” АЖ	2024 йил ноябрь–декабрь
32.	“Навоийазот” АЖ	
33.	“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ	

*Изоҳлар:*

*Гастроль сафарларини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлар корхона ва ташкилотларнинг ташаббусига кўра улар томонидан қопланади.*

*Гастроль сафарларига юбориладиган мақом ансамбли жамоасининг таркиби Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда тадбир бошланишидан олдин тегишли корхона ва ташкилотларга етказилади.*

*Маданият вазирлиги, заруратга кўра, Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда ушбу режага ўзгартириш киритиши мумкин. Шунингдек, гастроль сафарлари бошқа корхона ва ташкилотларнинг ташаббусига кўра улар учун ҳам ташкил этилиши мумкин.*

**2023–2025 йилларда Ўзбек миллий мақом санъати маркази ва унинг  
ҳудудий бўлимлари мақом ансамблларининг хорижий гастроль  
сафарларини ташкил этиш  
РЕЖАСИ**

Т/р	Давлатлар номи	Муддат	Масъуллар
1.	Озарбайжон	2023 йил ноябрь	Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
2.	Исроил	2024 йил март	
3.	Миср	2024 йил июль	
4.	Тожикистон	2024 йил октябрь	
5.	АҚШ	2025 йил март	
6.	Туркия	2025 йил июль	
7.	Ҳиндистон	2025 йил октябрь	
8.	Эрон	2025 йил декабрь	

**Изоҳлар:**

*Маданият вазирлиги, заруратга кўра, ушбу режа-жадвалда кўрсатилган давлатлар ва муддатларга ўзгартириш киритиши мумкин.*

*Гастроль сафарлари Ўзбек миллий мақом санъати марказининг ўзбек миллий мақом санъатини ривожлантириш бўйича алоҳида шахсий ғазна ҳисобварағи маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.*

